

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**“ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР**  
**КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 23-МОДДАСИ ИККИНЧИ**  
**ҚИСМИНИ ҚЎЛЛАШ ҲАҚИДА**

Сайлов комиссиялари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олишда ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари доирасини аниқлашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, қонун нормаларини тўғри, бир хилда ва аниқ қўллаш ҳамда қонунийлик, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Сайлов комиссиялари “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси иккинчи қисмини қўллашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан, ҳокимият ижроия органларига куйидагилар киришига эътибор қаратсинлар:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши;
- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари, уларнинг бошқарма, бўлим ва ҳокимият девони тузилмасига кирадиган бошқа бўлинмалари;
- давлат бошқарув органлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги №ПФ-3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони иловасида санаб ўтилган давлат бошқарув органлари, ушбу органлар тузилмасига кирувчи ҳудудий бўлинмалар.

Давлат бошқаруви органларига ушбу органлар буйсунувидаги давлат корхоналари ва муассасалар (масалан, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактаб, мактабгача болалар муассасалари, мактабдан ташқари муассасалар, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш, даволаш-профилактика ва бошқа муассасалар) кирмайди.

Ушбу ва улар сингари давлат корхона ва муассасалари ҳокимият ваколатларига эга эмасликлари боис, маҳаллий ҳокимият ижроия органлари таркибига кирмайдилар.

Ҳокимият ижроия органлари рўйхати маълумот учун илова қилинсин.

Шунингдек, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳокимият ижроия органлари мансабдор шахсларига раҳбарлик, ташкилий, бошқарув, назорат функциялари ёки моддий қимматликлар ҳаракати билан боғлиқ мажбуриятлар юкланган ҳокимият ижроия органлари девони ходимлари киради. Бу Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг бошқарув, хизмат кўрсатиш ва техник ходимлари лавозимлари номенклатурасида (2003 йил 9 декабрь Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан 1288-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланган маъмурий-бошқарув ходимлари ва бошқарув тузилмаси мутахассисларидир.

Мансабдор шахсларга ушбу органларда раҳбарлик, ташкилий-бошқарув ва назорат функцияларига эга бўлмаган ёрдамчи (техник ва хизмат кўрсатиш) лавозимларни эгаллаган ходимлар кирмайди.

2. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларига сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодларни рўйхатга олишда ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси иккинчи қисмини қўллашда ушбу қарорнинг 1 бандига амал қилишлари тавсия этилсин.

3. Мазкур қарор Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларига ижро учун, сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маълумот учун юборилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. Абдусаломов**

*Тошкент шаҳри,  
2017 йил 11 август,  
№ 843.*

**Мансабдор шахслари депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинadиган ижро ҳокимияти органлари рўйхати**

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

#### **Ҳокимликлар**

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши;
- Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари уларнинг бошқарма, бўлим ва ҳокимият девони тузилмасига кирадиган бошқа бўлинмалари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно)

#### **Вазирликлар**

#### **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бошқармалари;
- туман ва шаҳар иқтисодиёт бўлимлари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари;
- туман ва шаҳар молия бўлимлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ғазначилиги бошқармалари;
- туман ва шаҳар ғазначилиги бўлимлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармалари;
- туман ва шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимлари

#### **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

- марказий аппарат,
- Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари;
- туман ва шаҳар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини давлат инспекциялари;

- Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси.
- Қорақалпоғистон Республикаси Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари;
- “Ўздавтехназорат” машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;
- Қорақалпоғистон Республикаси машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат инспекцияси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат инспекциялари;
- туман ва шаҳар қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича инспекторлари;
- “Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси;
- Қорақалпоғистон Республикаси “Ўзсувназорат” сув инспекцияси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар “Ўзсувназорат” инспекциялари;
- Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази (“Ўздавуруғназоратмарказ”);
- Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш маркази;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш марказлари;
- туманлар ва туманлараро қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сифатини назорат қилиш инспекциялари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**

- марказий аппарат
- Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармалари;
- туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш марказлари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

- марказий аппарат.

#### **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;
- вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси;
- Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман ва шаҳар бўлимлари.

### **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари;
- вилоят, шаҳар ва туман давлат санитар эпидемиологик назорат марказлари;
- туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари.

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

- “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ИИВ ходимлари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди.

### **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги**

- “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ Мудофаа вазирлиги ходимлари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди.

### **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги**

- “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди.

### **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги**

- марказий аппарат

### **Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи савдо бошқармалари.

### **Ўзбекистон Республикаси**

### **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари;
- туман ва шаҳар бўлимлари.

### **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

### **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари;
- туман ва шаҳар бўлимлари.

### **Ўзбекистон Республикаси**

### **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги**

- марказий аппарат.
- Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари;
- туман ва шаҳар бўлимлари.

### **Давлат кўмиталари**

#### **Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари

#### **Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари;
- туман ва шаҳар статистика бўлимлари.

#### **Ўзбекистон Республикаси**

#### **Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси;
- Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси;
- туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси**

- Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ Давлат божхона кўмитаси ходимлари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди.

#### **Ўзбекистон Республикаси**

#### **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари;
- туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари.

## **Ўзбекистон Республикаси**

### **Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси**

- марказий аппарат

#### **Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**

- марказий аппарат;

- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

- вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

- туман ва шаҳар архитектура ва қурилиш бўйича бошқармалари;

- вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архитектура ва қурилиш назорати худудий инспекциялари;

- Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари;

- Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш Республика маркази;

- Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази.

#### **Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси**

- марказий аппарат;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича бошқармалари;

- туман ва шаҳар Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича бўлимлари.

#### **Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси**

- марказий аппарат;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Автомобиль йўллари бош бошқармалари.

- туман ва шаҳар бўлимлари.



## **Ўзбекистон Республикаси**

### **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Туризмни ривожлантириш бош бошқармалари.

### **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси**

- марказий аппарат.
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари.

### **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси**

- марказий аппарат.

## **Давлат инспекциялари**

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

#### **Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат.
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциялари

## **Ўзбекистон Республикаси**

### **Парвозларнинг хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий инспекторлар.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш**

#### **Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий инспекциялар.

### **Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- минтақавий филиаллари

## **Ўзбекистон Республикаси**

### **Электр энергетикада назорат бўйича Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий бўлимлар.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

#### **Давлат дон инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий инспекциялар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш  
Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий бўлимлар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ичимлик  
сувидан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий бўлимлар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

**Йўл- қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий инспекторлар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

**Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий бўлимлар.

**Давлат агентликлари**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги**

**Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги**

- марказий аппарат

**Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ҳудудий бўлимлар.

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармалари.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

**“Ўзархив” агентлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари.

**Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги**

- марказий аппарат.

**Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология**

**ва сертификатлаштириш агентлиги**

- марказий аппарат;
- Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармалари.

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги**

- марказий аппарат.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги  
Қимматбаҳо металлар агентлиги**

- марказий аппарат.

**“Ўзбеккино” агентлиги**

- марказий аппарат;
- “Қорақалпоқкино” агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари.

**Қўмиталар**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитаси**

- марказий аппарат.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат захираларини бошқариш қўмитаси**

- марказий аппарат.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан  
дўстлик алоқалари қўмитаси**

- марказий аппарат.

**Марказлар**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Гидрометеорология хизмати маркази**

- марказий аппарат;  
- Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бўйича бошқармалари.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик  
моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази**

- марказий аппарат.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат”  
Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази**

- марказий аппарат;  
- Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар лабораториялари;  
- Пахтатозалаш ташкилотлари ҳузуридаги лабораториялар.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат Тест Маркази**

- марказий аппарат,  
- Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Давлат Тест Маркази вакиллари.

**Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш  
ва ривожлантириш маркази**

- марказий аппарат;  
- Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим Вазирлиги  
ҳузуридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази**

- марказий аппарат;  
- Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат персоналлаштириш маркази**

- марказий аппарат.